

Бу ой Аллоҳ таоло уруш, қон тўкишни ҳаром қилган (Зулҳижжа, Зулқаъда, Муҳаррам, Ражаб) тўрт ойнинг бири, ҳижрий-қамарий тақвимнинг охиригидир.

Зулҳижжа ойи қандай фазилатларга эга?

Ҳаж ибодати адо этиладиган, қурбонлик қилинадиган, Арафа ва Қурбон ҳайити нишонланадиган ой. Бу ойда, айниқса унинг дастлабки ўн кунда қилинган ибодатлар Аллоҳ таоло учун энг севимли амаллардан саналади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Зулҳижжа ойининг ўн кундаги амалдан кўра афзалроқ амал йўқдир», деганлар.

Имом Ибн Ҳиббон ривояти.

Бу ойда тутилган рўза икки йиллик гуноҳларга каффорот бўлади.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Арафа кунининг рўзаси ўзидан аввалги бир йил ва ўзидан кейинги бир йилнинг гуноҳларига каффорат бўлишини Аллоҳдан умид қиламан», деганлар.

Имом Муслим ривояти.

Зулҳижжа ойини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қандай ўтказардилар?

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зулҳижжа ойининг дастлабки тўққиз кунда, Ашуро кунда ва ҳар ойдан уч кунда – ойнинг аввалги душанбаси билан икки пайшанбасида – рўза тутардилар.

Имом Аҳмад ривояти.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам янада кўпроқ зикр қилардилар ва: «...Бу кунларда таҳлил (Лаа илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадур Расулуллоҳ), такбир (Аллоҳу акбар) ва таҳмид (Алҳамдулиллаҳ) айтишни кўпайтиринглар!» дердилар.

Имом Аҳмад, Имом Байҳақий ривояти.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу дуони кўп айтардилар: «Лаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шайъин қодийр».

Имом Термизий ривояти.

Эслатиб ўтамыз, 19 июнь душанба куни Зулҳижжа ойининг 1-кунидир.
Валлоҳу аълам.

Азизлар, барчамизга Зулҳижжа ойи муборак бўлсин!

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг
2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди*